

Янги йилнинг халқимиз бўлади!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 1 (20.868). 1991 йил 1 январь, сешанба.

Рўзнома йилига 256 марта чиқади.

Баҳоси 8 тийин.



ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ МУРОЖААТНОМАСИ



Азиз ўртоқлар, қадрли ватандошлар! Соат миллари бир кунни иккинчисидангина эмас, эски йилни янгисидан ажратадиган белгига яқинлашиб қолди. Шу дақиқаларда биз тугаб бораётган йил воқеаларини бирма-бир эста оламиз. Янги, 1991 йилда бизни ва ёр-бодарларимизни, буюк мамлакатимизни нималар кутаётгани ҳақида яхши ният билан ўйлаймиз.

Тугаб бораётган йил тарихимиздаги энг оғир йиллардан бўлди. Иқтисодийдаги инқироз ҳодисалари ҳам, одамларнинг шахсий ҳаётидаги қамалганлиги ҳам, тартиб ва интизом бўшаётганлиги ҳам турмуш шароитига таъсир қилди. Ҳа, биз ҳаммамиз учун бениҳоя қийин бўлган йилни кузатишимиз. Утиш даврида, айниқса бизнинг мамлакатимиздек улкан мамлакат янгилик сари кузатиётган пайтда қийинчиликларнинг бўлиши муқаррар. Албатта, Бунинг ёнига сўнгги даврдаги янгиликлар ва хатолар ҳам қўшилди, мамлакат раҳбариятининг хатолари, сиз билан бизнинг камчиликларимиз ҳам қўшилди. Аммо мамлакат яшади, курашди, ишлади. 1990 йилни кузатиб қолар эканмиз, мислсиз мул ҳосилни йиғштириб олган қишлоқ меҳнатчиларига, мураккаб шароитда мамлакатни нур ва иссиқлик билан таъминлаётган энергетикларга, катта ва кичик қийинчиликларини бартараф этиб, яхши ва ҳалол ишлаган, ўз бурчини виждонан бажарган барча кишиларга эзгу сўзлар ва миннатдорчилик билдиришчман.

Бу — мулкчилик тўғрисида, ҳокимият ҳақида, ер тўғрисида қийин ва муҳим қарорлар қабул этилган йил бўлди. Бир неча кун муқаддам ўз ишини тугаллаган ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи Съезди мамлакатдаги аҳволни муҳокама қилди ва амалий ҳаракатлар дастурини белгилаб берди. Съезд ССЖИ Конституциясига иқроия ҳокимиятини мустақамлашга қаратилган ўзгаришлар киритди. Демократик ўзгаришлар йўлидан янада олға бориш, тартибни, қонунийлик ва интизомни мустақамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий ва сиёсий вазиятни барқарорлаштириш ҳаётий заруратдир. Биз бу йўлдан қайтмаймиз.

Келгуси йил — алоҳида йил бўлади. Қў-

миллатли давлатимизнинг тақдирини тўғрисидаги масала шу йилда ҳал этилади. Бизнинг ҳаммамиз учун, совет кишилари учун Иттифоқни барча халқлар эркин ва яхши яшайдиган Иттифоқ сифатида сақлаб қолиш ва янгилашдан ҳам муваффақроқ иш йўқ. Мамлакат халқлари неча асрлар давомида биргаликда яшаб келдилар. Совет ҳокимияти йилларида вужудга келган қадриятлар ҳам уларни бирлаштириб турибди, энг кўп вайронгарчилик келтирган урушдаги ғалаба хотираси уларни

яқинлаштириб турибди. Ҳозир биз бир-биримизни асраб, ўшаи оқимасликимизни, эҳтимол, ҳар қачонгидан ҳам ахшироқ ҳис қилаймиз.

Эртанги кун ҳақида ўйлаганда ўз тақдиримизни бошқа мамлакатлар ва халқларнинг тақдиридан ажратмаймиз. Бизнинг халқлар муносабатларини соғломлаштиришга қўшган ҳиссамизни дунёда юқори баҳоламоқдалар, қайта қуришга астойдил муваффақият тиламоқдалар. Бунинг биз ҳалол ишимиз билан бирдамлик деб биламиз ва барча халқларга чин қўнгилдан эсон-омонлик ва бахт-саодат тилаймиз.

Азиз ўртоқлар! Мамлакат бошдан кечираётган танглик нақадар чуқур бўлмасин, биз келгуси йилдаёқ яхшилик сари бурилишга эришмоғимиз мумкин ва лозим. Аммо бунинг учун инсоний ва миллатлараро тотувлик, масъулият ва интизом, ҳалол меҳнат ва бир-биримизга нисбатан одамийлик бўлиши керак.

Тугаб бораётган йилнинг шу сўнгги онларида мен оила ва дўстлар даврасига йиғилган барча кишиларни Янги йил билан қутлайман.

1991 йилда ҳар бир ойдада тинчлик-хотир-жамлик, аҳиллик ва эсон-омонлик бўлсин! Ватанимизда янги ҳаёт яшасин!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!



Сизга таъзим, азиз муштарийлар!

Ушбу айём кунда Сиз, қадрли муштарийларимизга, ҳаммат-ли жамоларга рўзномаимизнинг содиқ ўқувчилари бўлиб қолганингиз, унга ёзилиб ҳурмат-эътибор кўрсатганингиз учун тезим қиламиз, чин қўнгилдан ташаккур айтаемиз.

Сизга меҳримизнинг тоблагини, миннатдорчилигимиз боиси, дўст бошига иш тушганда билмади, деганларидек рўзноманинг нархи ошганига, янги-янги нашрлар юзига чиққанига қармай, «Совет Ўзбекистонига содиқ қолдингиз, унга аъзо бўлдингиз. Сизнинг иштифотингиз билан рўзномаимиз партия нашрлари орасида байроқдор бўлиб қолди. Сизнинг ишончингиз, партия рўзномасини эътирофингиз бизнинг масъулиятимизни, қарздорлигимизни янада оширади. Биз бунинг тўла ҳис этишимиз. Хатларингизда, учрашуларда билдирган фикр-мулоҳазаларингизни, холис танқидларингизни, орзу-истакларингизни инобатга олиб, ишончингизни оқлашга, нимага қодир бўлсан ҳаммамизни ишга солишга интиламиз. Сизнинг, халқимизнинг эҳтиёжлари билан яшашга, дилмазини, тилмазини Сизнинг, халқингиз дилига, тилига пайванд этиб, бир тан, бир жон бўлиб яшашга, Сизларнинг безовта қилаётган, қизиқтираётган муаммоларини ҳал этишга, қўйган саволларингизга имкон борича жавоб беришга астойдил ҳаракат қилиш мудоомимиздир. Халқ билан Коммунистик партия ўртасидаги мустақам иқтидор бўлиш интиямимиздир.

Сизга Янги йилда энг яхши тиллар билан, **ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНING БОШ НАШРИ «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН» РЎЗНОМАСИ МУХАРРИРИЯТИ.**

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Янги йил арафасида 31 декабрь кунини Ўзбекистон ССЖИ Президенти, Ўзбекистон Коммунистик Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов жумҳурият оммавий ахборот воситаларининг ходимлари билан учрашди.

Учрашуви Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг раиси, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири А. Ф. Мухторов очди.

Келгуси йили мамлакатда ва жумҳуриятда ҳал этиш лозим бўлган муаммолар тўғрисида, ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи Съездининг иш якунлари ҳақида манфаатдорлик билан амалий фикрлашув бўлиб ўтди. Янги Иттифоқ шартномаси, иқтисодий ва ижтимоий дстуруларини бажариш билан боғлиқ кенг дорадаги масалалар муҳокама қилинди. Тараққиётимизнинг мана шу масъулиятли ва мураккаб даврида

журналистлар ҳал этиши керак бўлган вазифалар тўғрисида гапирилди.

И. А. Каримов журналистларни кириб келаётган Янги йил билан самимий табрик-лади, уларга янги иқодий муваффақиятлар тилади.

Учрашууда Ўзбекистон ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов иштирок этди. (ЎзТАГ).

МУНАВВАР КЎНГИЛЛАР

- Эй, қадим-қадимлардан келаётган она юрт.
- Эй, орзу армон аро елаётган она юрт.
- Эй, ўз қадр-қимматини билаётган она юрт.
- Янги йил айёми бу, муборак бўлсин сенга, Бахт-иқбол кулсин сенга!
- Бахрамин сен кам кўрдинг, кўпроқ гам-алам кўрдинг, Ухладинг йиллар бўйи, тушларда байрам кўрдинг, Келди-ку ёруғ кун ҳам,
- Барин жамулкам кўрдинг, Янги йил айёми бу, муборак бўлсин сенга, Бахт-иқбол кулсин сенга, Бир келса келаверар, дерлар, бахт қўша-қўша, Шодлик ила мунаввар ҳар кўнгил ва ҳар гўша, Ҳар кўнгил, ҳар гўшада ўй ўша, матлаб ўша: Янги йил айёми бу, муборак бўлсин сенга, Бахт-иқбол кулсин сенга, Бахт-иқбол кулсин сенга! Шукур ҚУРБОН.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

УРТОҚ М. И. ИСЛОМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ВАЗИРИ ЭТИВ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Уртоқ Мирражон Пўлдошевни Исломов Ўзбекистон ССЖ қишлоқ хўжалик вазири этиб тайинласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1990 йил 31 декабрь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

УРТОҚ М. Б. М. МАЛИКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АДЛИЯ ВАЗИРИ ЭТИВ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Уртоқ Муҳаммад Бобур Маждидович Маликов Ўзбекистон ССЖ адлия вазири этиб тайинласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1990 йил 31 декабрь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

УРТОҚ Э. Ж. БОҚИБОВНИ ССЖИ ДАВЛАТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЭТИВ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Уртоқ Эрнин Жураевич Боқибоев ССЖИ Давлат банки Ўзбекистон жумҳурият банки бошқарувининг раиси этиб тайинласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1990 йил 31 декабрь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

УРТОҚ Э. А. МУРОВОНИ ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ ВАЗИРИ ЭТИВ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Уртоқ Эркин Абдулахатович Муродов Ўзбекистон ССЖ молия вазири этиб тайинласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1990 йил 31 декабрь.

